

**KASBIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISHNING TASHKILY-PEDIATRIYA
ASOSLARI
KƏSİPTİK BİLİM BERUDİ DAMYTUDYŇ ҲЙЫМДАСТЫРУ ЖƏНЕ
ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ƏСЕРЛЕРІ
ОРГАНИЗАЦИОННО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

Ф.Н.Байбобоева
Наманган муҳандислик технология институти
Наманган, Ўзбекистон
firuzanabijonovna@mail.ru

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ДАВРИДА ИННОВАЦИОН-ТАДБИРКОРЛИК
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

Аннотация. Ушбу мақолада бўлажак иқтисодчиларни профессионал таълим жараёни даврида касбий компетентликни ошириш нақадар муҳим роль ўйнаши тўғрисида сўз юритилади. Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишигина эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутулиши кенг ёритилган.

Калит сўзлар: касбий компетентлик, мутахассис, интегратив билимлар, янги ахборотлар, мутахассислик билимлари, тадбиркорлик фаолияти.

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади. Касбий компетентлик қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

- мураккаб жараёнларда;
- ноаниқ вазифаларни бажаришда;
- бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
- кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда.

Касбий компетенцияга эга мутахассис:

- ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- янги ахборотларни ўзлаштиради;
- давр талабларини чуқур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши тушунилади. Шундай экан, бўлажак иқтисодчиларда инновацион-тадбиркорлик компетентлигини ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқот ишини долзарблигидан далолат беради. Чунки тадбиркорлик компетентлигини ривожлантиришнинг асосий сабаби- жаҳон амалиётида миллий иқтисодиётларнинг барқарор ривожланишида тадбиркорлик фаолияти, жумладан ҳудудий тадбиркорлик фаолияти муҳим ўрин

эгаллаб, иқтисодий ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий таянчи сифатида етакчи роль ўйнаётганлигидандир. Жаҳон иқтисодиётида бандлик, ижтимоий ҳимоя, маҳсулот ва хизматларнинг янги турларини ишлаб чиқаришда бу соҳа муҳим аҳамият касб этади. Халқаро валюта жамғармасининг ҳисоботида кўра, «бугунги кунда дунёда 90,0 фоиз корхоналар кичик ва ўрта бизнесга тегишли бўлиб, улар жаҳоннинг 63,0 фоиз аҳолисини иш билан таъминламоқда. Европа Иттифоқи миқёсида кичик ва ўрта бизнеснинг умумий салмоғи 99,8 фоизни ташкил этгани ҳолда 85,0 фоиз аҳолини иш билан таъминламоқда» [1].

Жаҳон иқтисодиётида, жумладан Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жараёнларининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кучайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий хавфсизликнинг асоси бўлган тадбиркорлик фаолиятини тизимли ва комплекс равишда қўллаб-қувватлаш, барқарор ривожланишини таъминлаш, жумладан, унинг ялпи ички маҳсулотдаги, ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги улушини ошириш, кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжни қондириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш каби йўналишларда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги тармоғини модернизациялаш ҳамда хусусий секторни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш каби устувор вазифалар белгилаб берилди [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли ҳамда 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли фармонлари, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ушбу диссертация тадқиқот ишига муайян даражада хизмат қилади. Давлат равнақи йўлида тадбиркорлик фаолияти жуда юқори ўринни эгаллаши муносабати билан биз бўлажак тадбиркорлар- иқтисодчиларни ўқитиш давридаёқ уларда тадбиркорлик компетентлигини ривожлантириш чора –тадбирларини кўрмоғимиз лозим.

Тадбиркорлик компетентлигини шакллантириш Т.М.Матвеева (2001) ишларида юқори синф ўқувчиларида, Е.П. Сулаева (2011) ишларида олий таълим талабалари орасида кўриб чиқилган. Е.П. Белан (2007) ўз ишларида талабаларни тадбиркорлик, лойиҳалаштириш ва тадқиқот ишларини бирга олиб бориш қобилиятини олий таълим муассасасини тадқиқот ривожланишини бошқариш доирасида ўрганган. Тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шартлари ва омиллари педагогик тадқиқот (Е.А.Лапа, 2011; М.Л. Ньюшенкова, 2010; В.С. Морозова, 2012; Е.В. Анкудинова, 2009) ва психологик тадқиқот (З.Г. Ханова, 2011; Т.Г. Хащенко, 2012) ишларида асосланган.

Чет эллик олимларининг изланишлари орасида тадбиркорни шахсий фазилатларини В.Зомбарт, А. Смит, Й.А. Шумпетер, Д. Макклеланд асослашган; Дж. Акерлоф, М. Спенс, Дж.Ю. Стиглиц (2001), М. Эбнер (2010), Чу Яньхун (2012)-тадбиркорлик аспектарини ижтимоий капитални қайта ишлаб чиқиш деб қараб

чиққанлар. Маълумотли ёндашиш жиҳатидан бозор муносабатларини иштирокчилари орасида турли хил дунёқарашлар мавжудлигини ва тадбиркорлик субъектларини информацион моделларини шаклланиш механизмларини ҳисобга олиш зарурлиги асослаганлар. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш асосийларидан бири ҳисобланади. Аммо, илмий изланишлар тажрибасига қарамай, касбий таълим назарияси ва методикасида талабаларда тадбиркорлик компетентлигини ривожланиши ва шаклланиши амалга ошиш шароитида иш берувчилар талабларига мос равишда тўлиқ очилмаган.

Молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатларига қарши курашнинг самарали йўли сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш мумкинлиги аён бўлмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий таянчи ҳисобланадиган тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий жиҳатлари классиклар Ж.Б. Сэй, А. Смит, А. Маршалл, Й. Шумпетер, Ж. Кейнс, Р. Хизрич, М. Питерс, Ф. Хайек, М. Лапуста, К. Макконнелл, С. Брю [3] ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритиб берилган.

Ўзбекистонлик олимларнинг тадқиқотларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, кичик бизнесни бошқариш, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асослари ва айрим жиҳатлари ўрганилган. Хусусан, иқтисодиётни эркинлаштиришда тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш масалалари, тадбиркорлик салоҳиятини баҳолашнинг эконометрик моделлари, тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларининг назарий - услубий жиҳатлари С. Фуломов, С.Б. Ходиев, Қ. Муфтайдинов, Б. Наврўззода, Ҳ. Абулқосимов, А. Қулматов, С. Салаев, Х. Рахмонов, М. Абдурахмонова, Ф. Маматов, Н. Муродова, Ш. Қобиловларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган [4].

Ҳаракатлар стратегияси форматида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рuxсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектларини текширишларни тубдан қисқартириш, тадбиркорлик фаолиятига бутунлай янги ва самарали маъмурий-ҳуқуқий бошқарувни жорий этиш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш, ҳудудларда инфратузилманинг барқарор ривожланиши ҳамда мамлакат иқтисодиётининг мустаҳкамланишида тадбиркорликнинг роли ва ўрни ортиб боришини кўришимиз мумкин. Шу боис, мазкур диссертация иши доирасида муаммога янгича илмий ёндашув талаб этилади. Чунки тадбиркорлар учун яратилган бундай шароитларда инновацион-тадбиркорлик компетентлигини юқори савияга олиб чиқиш илк даврдаёқ бошланса, юқори марраларга эришиши шубҳасиздир.

Бўлажак иқтисодчиларда инновацион-тадбиркорлик компетентлигини ривожлантириш технологиясини илмий-назарий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан мақсадга мувофиқдир. Бўлажак иқтисодчиларда тадбиркорлик компетентлигини уларни олий таълим муассасасида касбий тайёргарлик жараёнида шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда, касбий компетентлигини шакллантириш моделини назарий асослаш ва тажрибада текшириш лозим.

Илмий янгилик сифатида қуйидагиларни шакллантириш керак:

- тадбиркорлик компетентлигини шакллантиришга методологик ёндашишларни асослаш;

- “тадбиркорлик компетентлиги” тушунчасини асосий тавсифлари (хусусиятлари) ва тузилишини (структурасини) миллий қадриятларимиз асосида мувофиқлаштириш;

- тадбиркорлик компетентлиги шакллантиришни таъминловчи педагогик шартлар тўпламини аниқлаш;

- тадбиркорлик компетентлигини шакллантириш моделини ишлаб чиқиш ва буни амалиётда қўллаш;

- бўлажак иқтисодчи талабаларга тадбиркорлик компетентлигини асосий мезонлари ва кўрсаткичларини очиқ бериш кабилар хизмат қилади.

Илмий янгилик бўлиб хизмат қилувчи асосий гипотеза қуйидагилардан иборат. Бўлажак иқтисодчиларда тадбиркорлик компетентлигини шакллантириш янада самаралироқ бўлади агарда тизимли, рефлексив, културологик ёндашиш асосида қуйидаги педагогик шартлар тўплами орқали тадбиркорлик компетентлигини шакллантириш модели ишлаб чиқилса ва амалга оширилса:

а) тадбиркорлик компетентлигини шакллантиришни самарали курсини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига киритиш;

б) амалий-интеграллашган ўқитишда тадбиркорлик проектини тузишни ташкил этиш;

в) тадбиркорлик ҳолатларини проектлаш жараёнида ҳолат марказида рефлексив кросс-технологияларни қўллаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

2. Сэй Ж.Б. Трактаты политической экономики. М.: Экономика. 1985. 55 с.

3. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: ТДИУ, 2010. 260 с.